ТАСАВВУФ АДАБИЁТИ ВА ЁШЛАР ТАРБИЯСИ

В.Қодиров

В статье на конкретных примерах рассмотрена концепция «совершенного человека» (комил инсон) в суфизме, даны методические рекомендации по использованию наследия классиков в воспитании нового поколения.

In this article is considered concrete examples of the concept "The perfect man» in Sufism, the methodical recommendations for use of a heritage in education of new generation are given.

Шарқ халқлари бадиий адабиётга санъат туригина эмас, айни пайтда тарбия воситаси, билим бериш усули, илмларни баён қилиш шакли сифатида ҳам ёндашганлар. Бу халқларимизнинг бадиий ижодга, хусусан, шеъриятга бўлган юксак ҳурматидан келиб чиқади. Ибн Синонинг тиб илмига оид асарларининг айримлари шеърий шаклда битилганлиги, туркий адабиётдаги илк достон бўлмиш “Қутадғу билиг”да замонасининг сиёсий, иқтисодий, педагогик, дидактик қарашлари баён этилганлиги, қадимдан то бизнинг кунимизгача мадрасаларда баъзи шаръий ҳукмлар шеърий ифодалардаги қоидалар шаклида ёд олдирилаётганлиги каби ҳолатлар шу билан изоҳланади. Алишер Навоий ҳам “Ҳайрат ул-аброр”да назмга юксак баҳо бериб, “Бўлмаса эъжоз мақомида назм, Бўлмас эди Тенгри каломида назм” дея унинг нуфузини алоҳида қайд этган [2;61]. “Машойихи изом ва авлиёи киромларни ҳақиқат манзилига етаклаган исломий тасаввуф эътиқод, ахлоқ, фикр, адабиёт, санъат, фалсафа, боринғки, ҳаётнинг турли-туман жабҳаларидан чуқур жой олиб келди” [8;3]. Инсонийликнинг олий мақоми – комил шахс тарбиясини мақсад қилган

тасаввуф таълимоти намояндалари ўз тарбияланувчилари орасида катта таъсир кучига эга бадиий адабиёт имкониятларидан унумли фойдаланганлар. Уларнинг ёзган асарлари макон ва замон ҳадларини хатлаб бир неча авлод онги, шуури, қалбини, ахлоқини ёритиб келмоқда. Яссавий ҳикматлари, Навоий ўгитлари, Машраб илоҳийлари, Сўфи Оллоёр пандлари ва бошқа сўфиёна руҳда қалам сурган аждодларимиз ижоди бугунги кунда ҳам миллатимиз вакиллари, хусусан, ёшлар тарбияси, уларни руҳий-маънавий бойитишнинг асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Мумтоз ижодкорларнинг таълимга алоқадор ҳар бир мутахассис билиши керак бўлган, шунингдек, ёш авлодга ибрат бўладиган, асарларида уларнинг маънавий оламидан жой олиши керак бўлган жиҳатлар талайгина. Улар бир неча адабиётшунослик ҳамда педагогик тадқиқотлар учун манбаа бўлиши шубҳасиз. Биз ушбу мақолада бу борадаги илк кузатишларимиз асносида туғилган фикрларимиз билан ўртоқлашамиз.

Аввало улуғ машойихлар, сўфий ижодкорлар ҳаёт йўли, фаолияти халқимизнинг ҳар бир вакили, ёш авлод учун улкан ибрат мактабидир. Тасаввуф таълимотининг вужудга келишининг ўзиёқ буюк бир ҳикмат. У исломнинг илк даврларидаёқ тақвони қўйиб дабдабага берилиш, маърифатдан улоқиб жаҳолатга бурилиш каби иллатлардан қочиш натижаси ўлароқ вужудга келганлигини қатор манбалар, илмий адабиётлар қайд этади. Бойликка ҳирс қўймай оддий фақирона ҳаёт кечириш, эл-юрт ғамини шахсий дарди деб билиш, бировга қилган насиҳатни аввало ўз ҳаётида яшаш, ҳар қандай қалтис вазиятларда ҳам иймон, тўғрилик, адолат, поклик меъзонларидан чекинмаслик сингари фазилатлар тасаввуф аҳлининг хос белгилари эканлиги ҳақида ҳозирда кўп айтилмоқда ва хўб ёзилмоқда. Минг-минглаб юртдошлари яшаш тарзи, фаолиятини иймон, ҳалоллик, юрт осойишталиги йўлига бура олган “Туркистон элининг шайхул машойихи” Аҳмад Яссавий иршоди, “Аҳли фазл ва аҳли ҳунарға... мураббий ва муқаввий” (Бобур) Навоийнинг Хотами Тойини ҳам лол қолдирадиган сахийлиги, ҳали дунёга келмасдан онасидан бировнинг ҳақига риоя қилишни талаб этган Машрабнинг ҳалоллиги, Муҳаммадали (Дукчи) эшоннинг рус истибдодига қарши қўзғолонга бош бўлиши ва бошқа ўнлаб сўфийлик сулуки намояндаларининг ҳаёти, фаолияти юксак инсоний ўлчовлар билан яшашнинг ёрқин намунасидир. Бу ҳақда жилд-жилд китоблар ёзиш мумкин. Биз фақат Нажмиддин Кубро ҳаётининг сўнгги дамларини эслатиш билан кифояланамиз. Улуғ авлиё 1221 йилда Чингиз тўдалари Гурганжга ҳужум қилганда жонини омон сақлаб қолиш имкони бўла туриб, “Менга Хоразмни тарк этишга рухсат йўқ” (Навоий “Нафаҳот ул-унс”) дея муқаррар ўлимни бўйнига олиб, Ватан ҳимоячилари билан қалъада қолади. “Бир ўқ келиб кўкрагига тегади. Етмиш беш яшар мўйсафид - ...қалбларни нурлантирган шайхи кабир ҳолдан тойиб, кучи кетаётганини сезса ҳам, жангни тўхтатмай, душман байроғини ғазаб билан маҳкам тутамлаб олади-да, шу ҳолатда жон беради. Дейдиларки, вафотидан кейин ўнта одам унинг маҳкам қисилган панжаларини орасидан байроқни зўрға ажратиб олган. Улуғ шайх ва донишманд инсоннинг бу қаҳрамонлиги, жасорати душманни ҳам ҳайратга солган. Бу иш авлодларга ибрат бўлди, халқ орасида афсонага айланиб кетди”[6;161].

Нажмиддин Кубро каби валий зотлар инсоний комилликнинг ёрқин намуналаридир. Умуман, тасаввуф таълимоти ва адабиётида комил инсон концепцияси муҳим аҳамият касб этади. Шуни ҳам қайд этиб ўтиш жоизки, бошқа машҳур таълимотларда ҳам комил инсонга ўхшаш етук инсон, ҳар томонлама ривожланган гармоник шахс, ўрта асрлар Европасида калокагатия тушунчалари мавжуд бўлган[7;18-19]. Савол туғилиши мумкин: тасаввуфдаги комил инсон концепциясининг улардан фарқи, ўзига хослиги нимада?

Дарҳақиқат, улар синоним тушунчаларга ўхшаб кетади. Лекин тасаввуф Ислом динидан келиб чиқиб, комил инсонни тушунтириш, талқин этишда масалага ўзгачароқ ёндашади. Аксарият ҳолларда жисмоний етук дейилганда, соғлом, бақувват, жисмоний камчиликсиз киши англашилади. Ақлий баркамол деганда эса чуқур билимли, кўп фанлардан хабардор, мантиқ кучига эга одам тушунилади. Маънан юксак деб илм-фанга кўнгил қўйган, адабиёт, санъатни чуқур ҳис қилувчи, маданиятли шахс тасаввур қилинади. Биламизки, кенг билимли, адабиёт ва санъатга ошно спортчилар кўп. Шунингдек, тўрт мучаси соғ, бир ёки бир неча спорт турлари билан шуғулланадиган олимлар, адабиёт, санъат арбоблари бир талай. Улар маълум ҳудудда, республикада ёки бутун дунёда танилган машҳур кишилар. Лекин баъзан улардан носоғлом турмуш тарзи, енгилтаклик, маънавий инқирозлар, иллатлар зоҳир бўладики, кўпчилик бундан ҳайрон бўлади. Бунинг таажжубланарли жойи йўқ. Чунки улар ўзларининг ақлий, жисмоний имкониятларини алоҳида-алоҳида ҳолда маълум даражада ривожлантирганлар, лекин

комиллашмаганлар. Тасаввуфга кўра инсоннинг жисмоний, ақлий, маънавий камолоти ўзаро узвий боғлиқликда бўлиши лозим. Пайғамбаримиз Муҳаммад (а.с)нинг бир ҳадиси мазмунига кўра, баданда бир аъзоси ноқис бўлган кишининг ҳис-туйғу, сезгиларида ҳам бир ноқислик бўлади. Шунинг учун комил инсон концепциясида жисмоний етук деганда соғломлик, бақувватлик меъзонларидан ташқари жисмоний ҳислар, инстинктларни ақлга бўйсундириш, яъни уларни ақл билан оқилона бошқарилиши назарда тутилади. Ақл инсон ҳаётида ҳамма вақт ҳам ижобий роль ўйнамайди. У инсонни манманлик, худбинлик, ўз манфаати қобиғига ўралишига сабаб бўлиши мумкин. Шу туфайли ақл маънавиятга бўйсундирилиши керак. Маънавиятнинг шаклланиши эса руҳий покланиш орқали юз беради. Маънавий юксаклик инсоннинг руҳий покланиш даражаси ёки тасаввуф тили билан айтганда, бандanинг Оллоҳга яқинлик даражаси билан белгиланади. Демак, руҳ покланса, маънавият юксалади, маънавият юксалгач, ақл соғлом тафаккур йўсинига юради, натижада жисмоний кучқувват, туйғулар, инстинктлар оқилона бошқарилади. Кўринадики, барчаси охир бориб руҳий покланишга тақалмоқда. Руҳий покланиш инсон ботинидаги иллатлар, зиллатлар йиғиндиси бўлмиш нафсни енгиш орқали юзага чиқади. Нафсни енгиш эса маънавий фазилатлар жами бўлмиш ишқ воситасида амалга оширилади. Тасаввуфда ишқни шакллантириш, нафсни енгишнинг бир нечта йўллари – тариқатлар мавжуд. Ҳар бир тариқатда руҳий покликка эришишнинг ўз усуллари, шакллари бор. Улар Абдулқодир Гилоний, Баҳовуддин Нақшбанд каби шайхлар маноқибларида [3], айрим тариқат пешволарининг кичик рисолаларида [5] баён этилган. Мазкур манбаларда комил инсон концепциясининг назарий асослари, амалий кўринишлари ва жараёнлари гоҳ очиқ, гоҳ ишоралар билан баён этилган. Ундаги тарбияланувчига, ёш авлодга таълим ва тарбия бериш йўсини биз учун ғоят ибратли бўлгани учун бу ўринда у ҳақда қисқача тўхталамиз.

Тасаввуфда ҳаётнинг барча соҳаларида бўлгани каби илмда ҳам асосий эътибор ***ишқ***ни шакллантиришга қаратилади. Таълим жараёнидаги ишқ ўқувчи, талаба учун илмни ***маънавий эҳтиёжга айлантириш*** тушунилади. Бунда ишқни тарбиялаш учун аввало илмга бўлган ***талаб***ни шакллантириш зарур. Талаб – бу илмга бўлган қизиқишдир. Талаб дунёни, ўзликни билишга интилишдан ҳосил бўлади. Инсон дунёни, илоҳиётни англаш талабига тушар экан, тасаввуф унга энг аввало ***ўзини билиш***ни таклиф этади. Бу таълимотга кўра, инсонда жамият, давлат, борлиқ дунё, коинот ва илоҳиётга хос бўлган хусусиятлар мукаммал ва ихчам тарзда жо этилган. Талаба (ўқувчи) келажакда ким бўлишдан қатъий назар ўз ўрнида мукаммал бўлиш учун ўзининг жисмоний ички ва ташқи аъзоларини, уларнинг вазифаларини яхши билмоғи керак. Бу ҳақда бир қатор тасаввуф асарларида баён этилган. Мисол тариқасида Навоийнинг “Ҳайратул - аброр” достонидаги ХХ бобдан олинган парчага [2;90-96] эътибор қаратамиз.

Навоий инсоннинг тузилишини, яъни гавдасини мамлакатга ўхшатади. Бу мамлакат икки устун устида жойлаштирилган. Унинг ичида бозор, маҳаллалар, кўчалар, майхоналар бор. Мамлакат ўртасида бир тахт бўлиб, шу ердан мамлакат бошқарилади. Тахтда бир ҳол юз берса, ҳамма иқлимга таъсир кўрсатади. Тахтда тинчлик бўлса, ҳамма жойда тинчлик, тинчлик бўлмаса ҳамма нотинч.Унинг энг тепасида бир қаср бўлиб, унинг тузилиши ҳар қандай нозик ақлни ҳайрон қолдиради. Бу қасрга табақалари қизил лаълдан бўлган бир эшик очиб қўйилган, унинг овозидан дуру гавҳарлар сочилади.

Олинган бу парчада аъзолар тафсилоти тушириб қолдирилиб, маъноси ҳам ўта қисқа тарзда келтирилди. Энди шу парчани шарҳлайлик. Мамлакат – бу инсон гавдаси. Демак, инсон ўз танасига фикр қилиб, жамиятни қандай бошқариш, қандай қилиб мамлакатни мукаммал тарзда тузиш мумкинлигини англаш лозим. Ташқи ва ички аъзолар, уларнинг тузилиши, ўзаро боғлиқлиги, муносабатига қараб, давлатнинг ички тузилмалари, уларнинг вазифаси, фаолият шакли, ташқи ва ички сиёсат юритиш андозаларини олиш мумкин. Мамлакат (гавда) жойлашган икки устун – икки оёқ. Икки оёқнинг ҳам рамзий маъноси бор: мамлакатни тик ушлаб турадиган бир оёқ (устун) адолатли қонунлар бўлса, иккинчи оёқ (устун) – иймону эътиқод (мафкура). Мамлакат ичидаги бозор – организмдаги модда алмашинуви (яъни иқтисодиёт), маҳаллалар – маълум вазифани бажарувчи буйрак, жигар, ўпка каби ички аъзолар (яъни сиёсий институтлар, ижтимоий-сиёсий гуруҳлар), кўчалар ичаклардир (йўл, траспорт ва алоқа каби хизмат тармоқлари), майхоналар – қон томирлари (яъни маданий-маиший, таълим муассасалари).

Юрак – мамлакат тахти. Ҳар бир фуқаро билмоғи шартки, мамлакатида амирлик жорийми, қироллик ёхуд президентликми – у юртнинг юрагидир. Юракни эса соғлом, тоза тутиши, эҳтиёт қилмоғи лозим.

Энг юқорисидаги қаср – бош. Мамлакатга тадбиқ қилсак, у – ҳукумат. Юртнинг боши бўлмиш ҳукумат соғлом фикрли, оқил бўлса, тараққиётнинг бўлиши муқаррар. Қаср (бош)нинг эшиги деб оғиз назарда тутилган. Навоий унинг очилишидан дуру гавҳарлар сочилади деб оғиздан чиқадиган гап, сўзларга ишора қилган. Ҳукумат (қаср)нинг оғзи – матбуот, унинг сўзлари – қонунлар, фармонлар, кўрсатмалар. Бу қонунлар, фармонлар, кўрсатмалар ўринли, адолатли бўлиб, ўз вақтида чиқса, улар халқ учун дуру гавҳардек қимматга эга бўлади.

Биз асарнинг кичик бобидаги айрим парчаларни шарҳладик холос. Навоий организмнинг ҳар бир аъзосини муфассал равишда ана шундай баён этади. Буюк бобокалонимиз тасаввуфдаги комил инсон концепциясининг толмас тарғиботчиларидан бири бўлган. У айтадики, киши ўз жисмонияти орқали нафақат мамлакатни, балки борлиқ дунёни, коинотни, илоҳиётни англаши мумкин. Шарқ, жумладан, диёримиздан етишиб чиққан мутасаввифлар асарларида мазкур ғоянинг у ёки бу даражадаги инъикоси кузатилади.

Мақсадга қайтадиган бўлсак, ўқувчи (талаба) ўзида шунча дунё сир-асрорлари яширинганлигини билгач, унда ҳайрат ва қизиқиш, яъни билмоқликка талаб пайдо бўлади. Бу талаб уни фанларни эгаллашга етаклайди. Ўзликни англаш тана тузилишини билишдан бошланар экан, анатомия фанига эҳтиёж туғилади. Ички, ташқи аъзолар вазифаси, уларда юз берадиган жараёнлар биология, кимё фанларига етаклайди. Мазкур жараёнлар инсонни қуршаб турган борлиқ ва муҳит билан чамбарчас боғлиқ. Шунинг учун табиатшунослик, ботаника, зоология ва бошқалар ўзликни англаш жараёнини чуқурлаштириб боради. Ана шу атроф-муҳит ва борлиқ эса чексиз самовий жараёнлар – коинот билан узвий алоқадорликда. Бу ўз навбатида астрономия, физика, математика каби аниқ фанларга эҳтиёжни юзага келтиради. Кўринадики, тасаввуфда таълим жараёни ташқи таъсир ёки рағбатлантириш тазйиқи остида эмас, балки талаба (ўқувчи)нинг ўзи ўрганаётган илмни ниҳоясига етказиш, унга бўлган чексиз қизиқиш, яъни илмга маънавий эҳтиёж – ишқ асосида ташкил этилади. Илмга мана шундай маънавий эҳтиёж сифатида ёндашилса, инсонда жисмоний, ақлий, маънавий янгиланиш юз беради. Асосийси, тарбияланувчи, таълим олувчи англаб етадики, ***ўзлаштирилаётган фанлар ўз ҳолича алоҳида-алоҳида билимлар йиғиндиси эмас,*** балки ***яхлит бир бутун илмнинг турли кўринишларидир***. Фанлар бир-бирини тўлдиради, изоҳлайди, ривожлантиради. Шу туфайли улар бир-бирини тақозо этади. Агар тарихимизга назар ташласак, дунёни ҳайратга солган Форобий, Ибн Сино, Беруний, Алишер Навоий сингари алломаларимиз айнан шу таълим тизими, шу концепция асосида таълим олганлар ва қомусий ақл эгалари бўлиб етишганлар.

Таълим тизимида янгиланиш жараёни кечаётган ҳозирги вақтда аждодларимиз мероси, анъаналари, тажрибаларига мурожаат этиб, улардаги буюк ғоялар акс этган асарлар, хусусан, тасаввуф адабиётларини чуқур ўрганиб, амалиётга тадбиқ этишимиз даркор. Шунда “Таълим …халқ маънавиятига яратувчанлик фаоллигини бахш этади. Ўсиб келаётган авлоднинг барча энг яхши имкониятлари унда намоён бўлади, касб-кори, маҳорати узлуксиз такомиллашади, катта авлодларнинг доно тажрибаси англаб олинади ва ёш авлодга ўтади. Ёшлар, уларнинг иқтидори ва билим олишга чанқоқлигидан таълим ва маънавиятни англаб етиш бошланади” [1;79].

Адабиётлар

1. Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура.- Т.: Ўзбекистон, 1996
2. Алишер Навоий. МАТ. 7-жилд. Ҳайрат ул-аброр.- Т.: Фан, 1991
3. Муҳаммад Сиддиқ Рушдий. Ғавсул Аъзам.- Т.: Нур, 1992
4. Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Баҳовуддин балогардон.- Т.:Ёзувчи, 1993.
5. Ғойиблар хайлидан ёнган чироқлар.- Т.: Ўзбекистон, 1994.
6. Комилов Н. Тасаввуф. Иккинчи китоб.- Т.: Ўзбекистон, 1999.
7. Йўлдошев Қ. ва бошқалар. Адабиёт ўқитиш методикаси.- Т., 1994.
8. Рафиъиддинов С. Тасаввуф моҳияти. // Усмон Турар. Тасаввуф тарихи.- Т.: Истиқлол, 1999

Андижон давлат университети,
2009 йил 28 майда қабул қилинган.
(Тақризчи: п.ф.д. Ш.Юсупова)